

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

АСТАНОВА ГУЛНОРА АМИНОВНА

**АРАБ ТИЛИДА “ҲАМЗА” УНДОШИНИ
ЎРГАНИШ УСУЛИЁТИ**

БУХОРО - 2021

АННОТАЦИЯ

Мазкур усулий қўлланмада намунавий ўқув дастурида белгиланган “Шарқ (араб, форс) тили” фанидаги “Ҳамза” ундоши ва унинг имло қоидалари” хусусида назарий фикрлар берилган ҳамда уни ўқитишда таълим жараёнини сифатли ташиқил этиш, талабалар тафаккурида мавзу юзасидан билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришда педагогнинг маҳорати, янги педагогик ва ахборот технологиялари, электрон ўқув модулларини қўллаш олиш қобилияти ҳақида мулоҳаза юритилган. Усулий қўлланма 5120100 – филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бакалаврларига мўлжалланган “Шарқ (араб) тили” фанини ўқитишда таълимда инновацион ёндашув, мавзуларни илғор педагогик технологиялар асосида самарали ўргатиш масаласига қаратилади.

Масъул муҳаррир: Саидов Ё.
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: Ахмедов А. Р.
филология фанлари номзоди, доцент

Рахимова Н. К.
“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус
ислом таълим муассасаси ўқув-услубий бўлим
бошлиғи

Мазкур усулий қўлланма БухДУ ўқув - методик кенгашининг (29 ноябрь
2021йил) йиғилишида нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Барча замонларда ҳам илм-фан ва ютуқлари асосида интеллектуал салоҳиятнинг юксалиб бориши жамият тараққиётининг муҳим шартларидан ҳисобланган. Биз яшаётган глобаллашув даврида бу жиҳатнинг муҳимлик даражаси янада ортганлиги ижтимоий ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида сезилиб туради. Таълим соҳасида мазкур масаланинг қай даражада муҳимлигини мустақил тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, таълимнинг ҳар бир жабҳасида натижа бера оладиган илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини жорий қилиш, таълим самарадорлигини жаҳон стандартлари даражасига етказиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Зеро, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹.

Шунга кўра давлатимизнинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда чет тилларини, жумладан, шарқ тилларини мукаммал билувчи, салоҳиятли филологлар, таржимашунослар, синхрон-таржимонларни етиштириб бериш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимида чет тилларини ўргатиш бўйича халқаро таълим стандартларини жорий қилиш ва “чет тилларини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” даражаларига асосланиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.—Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

Республикамизда босқичма-босқич демократик тамойилларнинг устиворлигига асосланган янги жамиятни қуришга йўналтирилган ислохатлар доирасида таълим-тарбия ишларига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини таъминлаб берувчи асосий омил сифатида намоён бўлиб, ушбу ҳужжатларда замон талабларига мувофиқ бўлган барча шарт-шароитлар ва ҳаммадан аввал инсон манфаатларининг устиворлигини таъминловчи имкониятлар, унинг эҳтиёжларини амалга ошириш масалалари билан бир қаторда рақобатбардош, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш асослари белгилаб қўйилган. Шунга биноан ушбу усулий қўлланма 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришга доир Ҳаракатлар стратегияси, билиш назарияси, филологик таълимни ривожлантиришга доир назариялар ва инновацион ёндашувларни инобатга олган ҳолда амалга оширилган кичик изланиш самарасидир.

I БОБ. “ШАРҚ (АРАБ) ТИЛИ МОДУЛИДАГИ “ХАМЗА” УНДОШИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. “Шарқ (араб) тили” модулининг ўрганилиши

Юртимизда чет тили ўқитиш тарихини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин: I босқич – то 1924 йилгача; II босқич – 1924-1961 йиллар; III босқич – 1961-1991 йиллар; IV босқич – 1992 йилдан ҳозиргача. Аввалги 3 босқичга аҳамият берадиган бўлсак, мазкур йиллар давомида шарқшунослик фани ривожига, айниқса араб тили ва адабиётига бўлган қизиқиш ортиб, шу борада кўпгина рус олимлари изланишлар олиб бордилар¹. Кейинги тўртинчи босқичда эса, ўзбек шарқшунос олимларидан Н.Иброҳимов, Э.Талабов, А.Абдужабборов ва бошқалар ўзларининг араб тилига бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратдилар.² Булардан ташқари Яқин Шарқ мамлакатларида араб бўлмаганлар учун ёзилган дарсликлар дунё юзини кўра бошлади³. Улар бугунги кун талабига биноан

¹ Ахманова О.С. О фонетических и морфологических вариантах слова. М., 1965 г. Белкин В.М. Арабская лексикология. М., 1975. Белова А.Г. Введение в арабскую филологию. ИВ РАН, М., 2003. Виноградов В.В. Об омонимии и смежных явлениях. М., 1960. Вопросы теории лингвистической географии, под ред. Р.И.Аванесова. М., 1969. Габучан Г.М., Ковалев А.А. О проблеме слова в свете фактов арабского литературного языка. В сб.: «Арабская филология». Изд. МГУ, 1968. Гранде Б.М. Арабская грамматика в сравнительно-историческом освещении. М., 2001. Губанов Ю.П. О проблемах создания арабской терминологии. «Социолингвистические проблемы развивающихся стран», М., «Наука», 1975. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. М., 1998. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т. 1., М- Л., 1955. Минеджян Г.З. О некоторых вопросах научно-технической терминологии в современном арабском языке. Семитские языки. Вып.2 (ч.2). Изд.2 (доп.), М., «Наука», 1965. Рыбалкин В.С. Арабская лексикографическая традиция. Киев, 1992. Шагаль В.Э. Арабский мир: пути познания. М., 2001. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. Л., 1985. Халидов. Б.З. Учебник арабского языка. М., 1985.

² Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Т. 1997 й., Талабов Э. Араб тили дарслиги. Т., 1994 й., Абдужабборов А. Араб тили. Т., 2009 й.

³ الكتاب الأساسي (Ал - китаб ал-асасий), Қоҳира, 2005 й. Хифни Насиф الدروس النحوية (Ад- дурус ан-нахвийя), Искандария, 2007 й.

тезкор тил ўрганиш усулини қўллаган ҳолда оммага ўз китобларини тақдим этишмоқда.

Араб тили Сомий-Ҳомий тиллар оиласининг сомий тармоғига тегишлидир. Сомий тиллар тармоғи жуда катта тармоқ ҳисобланади ва олимлар томонидан яхши ўрганилган. Қадимги сомий тилида ашшурлар, ибрийлар, финикийлар, оромейлар ва араблар гаплашганлар.

Араб тили тарихи учта катта даврга ажратиб талқин қилинади:

1. Қадимги араб тили. (эр.ав. II асрдан то IV эр.асригача).
2. Классик араб тили. (V-XIX асргача).
3. Замонавий араб тили. (XIX асрдан то шу кунгача).

4. Қадимги араб тилидагиёзма ёдгорликлар лиҳян, самуд,сафовит ёзувларидабитилган бўлиб Арабиистон ярим ороли минтақасида ва Суриянинг жанубий қисмидан топилган.

Классик араб тилининг илк даври оғзаки ҳолдаги жоҳилия шеърятига бориб тақалади. Бу шеърят эрамизнинг VIII ва IX асрларида араб филологлари томонидан ёзилди. Қуръони Карим классик араб тилининг энг ёрқин намунаси саналади. Замонавий араб тили классик араб тилининг кейинги ривожланиш маҳсули ҳисобланади.

Сўнгги адабий араб тили ва адабиётининг ривожланишида Қуръони Каримнинг тутган ўрни жуда катта.

VIII-IX асрларида араб грамматикасининг аксарият масалалари ишлаб чиқилди. Араб ҳалифалиги кенгайиши ва ислом динининг тарқалиши билан фатҳ қилинган давлатларда араб тили дин, илм, девонхоналарда давлат ишларидаги ҳужжатларни юритиш расмий тил сифатида ишлатила бошлади. Натижада классик араб тили Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Пиреней ярим ороли, Марказий Осиё минтақаларида кенг тарқалди ва бутун мусулмон шарқида давлатлараро халқаро тил мавқеига эга бўлди⁴. Бу

⁴ Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Т., 1997. Б.3.

минтакаларда турли соҳаларда битилган минглаб илмий, адабий тарихий асарлар ана шу классик адабий араб тилида ёзилди. Бизнинг аجدодларимиздан Мусо ал-Хоразмий, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, ар-Розий, ал-Фаробий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз - Замахшарий, Маҳмуд Қошқарий каби буюк алломалар турли илм соҳаларига оид ёзилган кимматбаҳо асарларини араб тилида яратишди. Бу асарларнинг кўплари қўлёзма захираларида сақланмоқда. Масалан: ЎзР. Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмаларнинг 30 фоизи араб тилида битилган, кўплари ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, шарқшунос олимларимиз томонидан тадқиқ этилган. Аммо ҳанузгача юзлаб арабий забон қўлёзмалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шу боис республикамызда араб тилини ўрганиш аҳамияти янада ошади, чунки барча араб тилида битилган маънавий бойлигимизни таржима қилиб, халқимизга етказиш арабшуносларнинг энг катта бурчи. Бу қўлёзмалар бизнинг тарихимиз, мафкурамыз, фалсафамиз, таълимотларимиз умуман маънавий меросимиз қисман мужассамлаштирилган экан, халқимиз ундан баҳраманд бўлиши лозим.

Замонавий араб тили ҳозирда 22 та араб давлатларида «Давлат тили» мақомидадир. У илм, фан, матбуот, бадий адабиётда, ижтимоий-сиёсий, оммавий хабарларда, таълим-тарбия муассасаларида, радио, телевидение, барча давлат ҳужжатлари олиб боришда қўлланади. Замонавий адабий араб тили ҳар хил араб давлатларида яшовчи араб халқлари учун умумий бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатларида ва яқинлашиш жараёнида муҳим воситадир.

Мустақил Ўзбекистон ҳозирги кунда араб давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатмоқда. Араб тилини яхши ўзлаштириб, бемалол гаплаша оладиган араб тилида пухта таржима қилиб, илмий тадқиқотлар олиб борадиган мутахассисларгата лаб катта. Шу боис

республикамизда араб тилини ўрганишга аҳамият берилиб келмоқда экан, бутун дунёда араб тили жаҳон тили сифатида мавқеи ошганлигини, кўп давлатларда уни ўрганилаётганлигини ҳисобга олиб, назарда тутишимиз керак. Жаҳондаги 15 йирик тилнинг биттаси араб тилидир.

Араб тилининг ўзи ҳақида айтадиган бўлсак, маълумки, тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида тўпланган маълум фонемалар йиқиндиси фонемалар системасидир. Ҳар бир тилнинг, шу жумладан, араб тилининг ҳам ўзига ҳос фонемалар системаси бор.

Сўздаги бирор фонема ўзгарса, сўзнинг маъноси ҳам, шакли ҳам ўзгаради:

а) жарангли ундошни жарангсизлантирганда, масалан:

دل *далла*-ишора қилмоқ

ضل *далла*-адашмоқ

б) чўзиқ унлилар қисқа талаффуз қилинганда, масалан:

باكر *ба:кара* - эрта келмоқ

بكر *бакара* - эрта турмоқ

Ешитилиши бир-биридан фарқ қиладиган ҳамма товушлар ҳам фонема бўлавермайди. Фонеманинг вариантлари бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Ҳар қайси фонеманинг вариантлари унга ёндош товушлар таъсирида пайдо бўлади.

Ҳар бир тилнинг ўзига ҳос фонемалар тизими бор, дедик. Айрим фонемалар бир неча тилда бир ҳил бўлиши мумкин, аммо шундай бўлса ҳам ҳар бир тилдаги фонемалар ўзига ҳос маълум тарихий системадан иборат бўлиб, бошқа тиллардаги фонемалар тизимидан фарқ қилади.

Объектив борлиқдаги мавжуд нарса ва ҳодисалар ҳар ҳил гуруҳ ва турларга ажратилганидек, нутқ товушлари ҳам артикуляцион-акустик хусусиятларига кўра бир неча турларга бўлинади.

Дастлаб товушлар унли ва ундошларга ажратилади. Буларнинг миқдори турли тилларда турличадир. Масалан, рус тилида ундошлар 43 та, унлилар 6

та; француз тилида 21-13; арман тилида 30-6; грузин тилида 28-5; эстон тилида 16-9; араб тилида эса 28-6.

Араб тилининг фонемалари ҳақида икки хил фикр мавжуд. Кенг тарқалган бир фикрга кўра араб тилининг фонемалари, масалан, ўзбек тилидаги сингари бир товушдан иборат бўлиб, улар дастлаб унли ва ундош фонемаларга бўлинади. Сомий, жумладан, араб тилидаги фонемаларнинг ўзига ҳос хусусиятлари ҳақидаги назария Б.М.Грандега тегишлидир. У ўзининг «Сомий тилларда бўғин-фонема» деган мақоласида сомийшуносликда фонемага оид янги бир назарияни майдонга ташлади.

Б.М.Гранденинг ёзишича араб тилидаги қисқа унлиларни алоҳида фонема деб ҳисоблаб бўлмайди. Улар ундош товуш билан биргаликда турли вариантларни ҳосил қилади.

Олим араб тилида қанча ундош товуш бўлса, шунча фонема бор ва ҳар бир фонема тўрт кўринишдан иборат, масалан, *та, ту, ти, т* сингари, дейди. Б.М.Гранде унлисиз кўринишни «нун унлили кўриниш» деб аташ шарти билан араб тилидаги фонемалар товуш фонемалар эмас, бўғин фонемадир, дейди.

У унлиларнинг ўзича алоҳида фонема бўлмаслигига уларнинг ўзак ҳосил қилувчи товуш сифатида қўлланмаслигини асос қилиб кўрсатади. Аммо бу назария бошқа арабшунослар томонидан қабул қилингани йўқ. Бунинг сабаби унлиларнинг бир ўзак доирасида бўлса ҳам, сўз ва вазн ясада муҳим ўрин тутишидадир.

Масалан, қуйидаги сўз ва сўз шакллари унли туфайли бир-биридан фарқ қилади:

бир неча – عَدَّةٌ ҳозирлик عَدَّةٌ

санади – عُدَّ саналди عُدَّ

Ҳозирлаш – اَعْدَادُ сонлар اَعْدَادُ

соч شِعْرٌ шеър شِعْرٌ

Мана шунинг учун биз ҳам кўпчилик томонидан тан олинган фикрга қўшилиб «араб тилида бўғин фонема бор» деган фикрга қўшилмаймиз ва

ундошларнинг ўзини алоҳида фонема ҳосил қилади, деб тушунамиз ва арабча ундош фонемаларнинг ўзига ҳос хусусиятларини шу назария асосида кўриб чиқамиз.

Араб тилида интерденталлик, яъни тиш оралик фонемалик белгиларидан биридир. Буни биз қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

эфир – أُثير туткин, асир - أسير

қимматбаҳо – سمين ёғли - ثمين

туя лўкиллаши – زميل ҳамкасб - ذميل

мажбурият- زمام жилов - ذمام

- *Байн* ва *ҳа* ҳалқум ундошлари алоҳида фонема бўлиб, булар чуқур тил орқа ундошлари билан бир томондан ва бўғиз ундошлари билан иккинчи томондан фонемалик нуқтаи назаридан қарши турадилар (оппозиция ҳосил қиладилар). Буни биз қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

бўғиз – خلق

яратиш – خلق

мақталган – محمود

сўнган – محمود

ечиш – حل

сирка – خل

иситмали – محموم

қизиқарли – مهموم

қамиш – أسل

асал – عسل

буйруқ – أمر

обод бўлиш – عمر

латта – عمر

ой – قمر

шарбат – عصير

қисқа قصير

ном – اسم

бўлак, қисм – قسم

- Боғиз товушлари ўзаро бир-бири билан ва ҳалқум товушлари ҳам ўзаро бир-бири билан фонологик оппозиция ҳосил қиладилар. *ҳа* ва *ҳамза* оппозициясига мисоллар:

сўралувчи – مسؤل

енгиллаштирилган

соқайиш; дори شفاء

суҳбат مسهول شفاه

-*байн* ва *ҳа* оппозициясига мисоллар:

ишчи – حامل ташувчи – حامل

сабаб - حلة - сабаб

- Араб тилининг фақат ўзига ҳос бўлиб, уни бошқа тиллардан ажратиб турадиган муҳим фонологик оппозициялардан бири бу эмфатиклик оппозициясидир. Бу оппозиция ط билан ذ, ظ билан س, ص билан ض фонемалари орасида мавжуд.

Биринчи оппозицияга мисоллар (ط - ت):

издош; қарам – طابع - تابع

тўзитилган – مطرب - шодлантирилган - مترب

Иккинчи оппозицияга мисоллар (ظ - ذ):

огоҳлантириш – نظير ўхшаш - نذير

ҳорлаш – تظليل соя солиш - تذليل

Учинчи оппозицияга мисоллар (ص - س):

сир айтиш – اصرار қаттиқ туриб олиш - اسرار

тезлар (тезнинг кўп.) – صراع - курашиш - سراع

Тўртинчи оппозицияга мисоллар (ض - د):

ишора қилмоқ – ضل адашмоқ - دل

ўргатмоқ – ضرب - қаттиқ урмоқ - درب

- Эксплозивлик (портлаш-сирғалиш) оппозицияси ҳамма тилларда бор. Лекин бу оппозициянинг тарқалиш доираси турли тилларда турличадир. Араб тили учун س билан ت фонемалари, ذ билан د, و билан ه, ح ва ق; ز билан د фонемалари орасидаги эксплозивлик оппозицияси кенг тарқалган.

Мисоллар оппозициясига ت - س:

арзимаслик – سفاهة - нодонлик - تفاهة

ёқотмоқ – سبر - синамоқ - تبر

Мисоллар оппозициясига ز - د:

ишора қилмоқ – زل - тоймоқ - دل

қабиҳлар – زمام - жилов - دمام

Мисоллар оппозициясига ح - ق:

تخدير - яшириш - تقدير – белгилаш

خطيط - чизикча - قطيط – мушукча

م - оппозициясига мисоллар:

قول - сўз قبل – илгари

وديعة - жамқарма - بديعة – янгилик

Араб тилида жаранглилик-жарангсизлик ҳамма ҳолларда сақланади, шунинг учун араб тили консонантизми жаранглилик-жарангсизлик оппозициясининг кучлилиги билан фарқ қилади.

د - оппозициясига мисоллар: -ت-

دم - бўёқ - تم – оқкуш

حدة - ўткирлик - حنة – парча, бўлак

سدارة - фуражка - ستارة – парда

ذ - оппозициясига мисоллар: -ث-

ذم - ёмонламоқ - ثم – нарида

ذوب - суюқ асал - ثوب – кўйлак

عذر - сўрамоқ - عثر - қоқилмоқ

ز - оппозициясига мисоллар: -س-

زجل - тоғимоқ - سجل - қўшиб ёзиб

عزل - четлашмоқ - عسل - асал қўшмоқ

كراس - китобча - كراز – кўзалар

غ - оппозициясига мисоллар: -ق-

غر - лақиллатмоқ - قر – ўрнашмоқ

باغ - қийновчи - باق – қолувчи

بغل - хачир - بقل – кўкат

ي орасида билан ك, ن билан د, م билан ب - Сонорлик оппозицияси бор.

م - оппозицияга мисоллар: -ب-

مد - чўзмоқ - بد – узоқлаштирмоқ

مدح - мактамоқ - بدح – урмоқ

арқон - حمل - жүкклаш

-د- оппозициясига мисоллар:

نسم - кишилар - دسم - ёғ

зорланмоқ - حن - ۆткир қилмоқ

لبن - қом қишт - لبد - кигиз

-ك- оппозициясига мисоллар:

كأس - ноумидлик - يأس - косасимон идиш

يسر - енгиллаштирмоқ - كسر - синдириб ташлаш

حي - яшамоқ - حك - артмоқ

- ر ва ل ларнинг шовқинли жуфтлари ёғ. улар ўзлари бир-бири билан қилтироқликда оппозиция ҳосил қилади.

-ر- оппозицияга мисоллар:

أغلق - чўктирмоқ - تغرغر - қулфламоқ - تغلغل - томоқни чайиб олмоқ - أغرق - сингимоқ

غرب - (қуёш ҳақида) - غلب - ботмоқ - غلب - устун келмоқ

Демак, араб тили косонантизмида ҳамма тиллар учун умумий бўлган оппозицияларбилан бирга араб тилининг ўзидагина кўп учрайдиган ва араб тилининг ўзига ҳос бўлган оппозициялар ҳам мавжуд.

Араб тили грамматикаси бўйича изланиш олиб борган олимлар мазкур тилдаги “ҳамза” ундоши устида алоҳида тўхталиб, унинг фонетик ва орфографик қоидаларини ишлаб чиқдилар. Унга кўра араб тилидаги ҳеч бир сўз унли товушдан бошланмаслиги, “ҳамза” ҳарфининг алфавит қаторида турмасада, унинг роли нутқда жуда муҳимлиги, мазкур ҳарфнинг ўзига ҳос ёзув қоидалари мавжудлигини ўз изланишларида исботладилар. Истиқлол йилларида араб тилини ўрганиш доираси ниҳоятда кенгайиб бораётгани эътиборлидир. Шунга кўра араб тили таълимининг мукамал даражага етказишда ҳали кўпгина ишларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Араб тилида ء' (ҳамза) ундоши аслида товуш пайчаларида пайдо бўладиган жарангсиз шовқинли портловчи ундош. Унинг ҳосил бўлиш усули

кўйидагича: товуш пайчалари ўзаро жипслашиб, вужудга келтирган жуда қисқа тўхталиш натижасида тўсилган ҳавонинг сиртга интилиш кучидан яна ажралишади. Портлаб отилган ҳаво оғиз бўшлиғига ўтади ва шу аснода енгил томоқ кирилишини эслатувчи товуш талаффуз қилинади. Юмшоқ танглай кўтарилган, бурун бўшлиғига ўтиш йўли ёпиқ. Ўзбек тилида бундай товуш йўқ. Ҳамза сўзда бошқа ундош товушлар каби иккиланиб ҳам келиши мумкин. Мисол: *'амрун* иш, *ра'сун* бош, *ра'йсун* бошлик, *саййи'ун* ёмон. Унинг ўзига хос ёзув қоидалари мавжуд ' (ҳамза) товуши ёзувда "ء" шаклида ифодаланади. Бу ҳарф ундош ҳарфлар қаторидан ўрин олмаган. Ҳамза учун ا و ي ҳарфлари таянч вазифасини бажаради.

Сўз бошида ҳамза учун ا хизмат қилади. Ҳамза фатха ёки дамма билан келса ا устига, касра билан келса ا остига ёзилади.

أ - 'а; اُ - 'у; اِ - 'и

Масалан, أنت *'анта* сен; اذن *'узнун* қулоқ; إذن *'изнун* рухсат, изн.

Сўз ўртасида келган ҳамза учун ا و ي ҳарфларидан бири таянч вазифасини бажаради. Ҳамза фатха билан ҳаракатланган бўлса ёки фатхадан кейин келган бўлса унинг таянчи бўлади. Масалан: سَأَلَ *са'ала* сўрамоқ, مَأْمُولٌ *ма'мўлун* кутилган, قَرَأَ *қар'а* ўқимоқ, مَسْأَلَةٌ *мас'алатун* масала.

Ҳамза дамма билан ҳаракатланган бўлса, ёки даммадан кейин келса, унинг таянчи و бўлади. Масалан: سَأَلُوا *су'ālун* савол, مُؤْتَمَرٌ *му'тамарун* конференция.

Ҳамза касра билан ҳаракатланган ёки даммадан кейин келса, унинг таянчи ي бўлади. Бироқ бунда ي нуқтсиз ёзилади. Масалан: مِائَاتٌ *ми'ātун* юзлаб, سُئِلَ *су'ила* сўралган.

Ҳамзадан олдин “ā” товуши, кейин “a” товуши мавжуд бўлса, ҳамза мустақил ёзилади. Масалан, ساءل *sā’ala* (биргалашиб сўрамоқ), قراءة *қирā’атун* (ўқиш).

Сўз охирида келган ҳамза имлоси қуйидагича:

Агар ҳамза сукунли ҳарфдан ёки чўзиқ унлидан кейин келган бўлса, у мустақил ҳолда ёзилади. Масалан: جُزء *жуз’ун* қисм, إنشاء *’иниш āун*.

Ҳамза қисқа унли товушдан кейин келган бўлса, ўша унлига мос ҳарф устига ёзилади. Масалан, قَرَأَ *қара’а* ўқимоқ, قُرِئَ *қури’а* ўқилмоқ, جَرَوْ *жару’а* журъатли бўлмоқ.

Агар ҳамзадан кейин “ā” товуши, ҳамзадан олдин “a” товуши келган бўлса, ёки ҳамзадан олдин унли товуш бўлмаса, ҳамзадан кейинги “ā” товушини ифодалаш учун маддали алиф ёзилади. Масалан: آخِرُ *āхирун* охирги. Мадда сўз охирида ҳам келиши мумкин. Масалан, مَا أَخَذَ *ма’āхизу* манбалар. Бошқа қўшимча белгилардан фарқли ўлароқ мадда белгиси тушириб қолдирмай, ҳамиша ёзилади⁵.

Ҳамза турлари ҳақида таниқли арабшунос олим А.Абдужабборов ўзининг “Араб тили” дарслигида ҳамзани қуйидагича изоҳлайди:

Сўз бошидаги ҳамза икки турли бўлади: هَمْزَةُ الْقَطْع - «қатъий ҳамза» ва هَمْزَةُ الْوَصْلِ - «васлали ҳамза».

هَمْزَةُ الْقَطْع - «қатъий ҳамза» ўзак таркибида бўлади ёки шахс, сон каби муҳим грамматик маъноларни англатиш учун қўшилган бўлади. Масалан: أَدَبٌ - *адаб, адабиёт* («ё»-ўзакнинг биринчи ундоши), أَخْرَجَ - *чиқаман* («ё»-биринчи шахс кўрсаткичи), أَشْهَرُ - *ойлар* («ё»-кўплик сон кўрсаткичи).

Бундай ҳамза **кўпинча** «фатҳа» билан ҳаракатланади, **ҳар доим** ёзилади ва ўқилади.

هَمْزَةُ الْوَصْلِ - «васлали ҳамза» ўзак таркибида бўлмайди, бирон маъно англатмайди, фақат турли сабаблар билан сўз бошида бир бўғинда ёнма-ён

⁵ Халидов Б.З. Учебник арабского языка. М., 1985. С.29-31.

келиб қолган икки ундошни икки бў'инга ажратиш учун хизмат қилади.

Масалан:

امْرَأَةٌ → مَرَأَةٌ - аёл;

اسْمٌ → سَمٌ - исм;

إِفْهَمُ → فُهِمَ - тушун!

أَخْرَجَ → خُرِجَ - чиқ!

Васлали ҳамза **кўпинча** «каса» билан ҳаракатланган бўлади. Одатда унинг курсиси фақат «ا» ёзилади ёки «(васла)» белгиси билан ифодаланади:

اَكْتُبْ - قَالَ «Ёз!» деди.

اجْلِسْ - Ўтир!

هَذَا ابْنِي - Бу-ўғлим.

Нутқда васлали ҳамза **фақат** гап бошида ёки вақф (пауза)дан кейин талаффуз қилинади. Бошқа ҳолатларда талаффуз қилинмайди. Сўз бошидаги икки ундошнинг биринчиси эса олдинги сўзнинг охирига уланади:

ما اسمك → اسمك ما → ما اسمك? - Исмнинг нима?

قُلْتُ اذْهَبْ → قُلْتُ اذْهَبْ → قُلْتُ اذْهَبْ - «Бор-кет», - дедим.

رَأَيْتُ امْرَأَةً → رَأَيْتُ امْرَأَةً → رَأَيْتُ امْرَأَةً - Бир аёлни кўрдим.

هُمَ - هُمْ - улар (уларнинг. . .) олмошлари

васлали ҳамзадан олдин келса, уларнинг охиридаги сукун даммага айланади:

أَنْتُمْ الْمُدْرَسُونَ → أَنْتُمْ الْمُدْرَسُونَ - Сизлар ўқитувчисиз.

مَدِينَتُكُمُ الْجَمِيلَةُ → مَدِينَتُكُمُ الْجَمِيلَةُ - гузал шаҳрингиз.

هُمْ الْمُؤْمِنُونَ → هُمْ الْمُؤْمِنُونَ - Улар мўминлар.

أَرْسَلْنَا إِلَيْهِمُ اثْنَيْنِ → أَرْسَلْنَا إِلَيْهِمُ اثْنَيْنِ - Уларнинг олдига икки кишини юбордик.

Бошқа ҳолатларда васлали ҳамзадан олдинги сукун касрага айланади:

مَنْ ابْنُكَ؟ → مَنْ ابْنُكَ؟ - Ўғлинг ким?

قَالَتْ أَخْرَجَ → قَالَتْ أَخْرَجَ - «Чиқ», - деди.

رَأَيْتُمْ امْرَأَةً → رَأَيْتُمْ امْرَأَةً - Бир аёлни кўрдинглар.⁶

⁶ А. Абдужабборов. Араб тили. Т., 2005. Б.-41.

Кўрганимиздек, “хамза” ундошининг ўзига хос имло қоидалари ҳамда талаффуз меъёрлари мавжуд бўлиб, уни талаба осонлик билан тушуниб, ўрганиб олиши учун ўқитувчидан маълум маҳоратни талаб қилади. Маълумки, тил таълимида ҳар бир таълим босқичида маълум бир ҳажмдаги билимларни ўзлаштириш кўзда тутилади. Ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар асосини эса ўқув дастурида кўрсатилган фонетик, лексик, грамматик маълумотлардан иборат тил материаллари ташкил қилади ва улар давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ ҳолда ҳар бир таълим босқичи учун алоҳида тақсимланади. Таълим жараёнида талабаларда ушбу билимлар асосида нутқий кўникмалар ҳосил қилдириб борилади. Ушбу билимлар босқичлар ўртасида тўғри тақсимланмаса, таълим мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигига эришиб бўлмайди.

Нутқий кўникмалар нутқ фаолиятининг 4 асосий тури: ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмалари орқали юзага келади ва талабаларнинг олган билимларини амалий нутқий фаолиятда собитқадамлик билан мустақил равишда қўллай олиш қобилиятини - нутқий малакани ҳосил қилишга ёрдам беради. Таниқли психолог И.А.Зимняя таърифича, “малака машқлар натижасида ҳаракатларнинг юқори мукамалликка эришуви ва нутқий жараёнларнинг автоматлашувидир”⁷.

Ҳақиқатан ҳам, сўзлашиш, мулоқот юритиш жараёни фикрни лексик, грамматик ва фонетик жиҳатдан расмийлаштиришнинг энг самарали даражасини – юқори даражада автоматлашган нутқий кўникмаларни, яъни нутқий малака ҳосил қилинишини талаб этади. Нутқий мулоқотда нутқий малаканинг ҳосил қилиниши коммуникатив мақсаднинг асосини ташкил этади, чунки айнан тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш кўникма-

⁷ Зимняя И. А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. –Москва: МГУ, 1998. – 142-б.

малакалари орқали иккинчи бир тилда ўзаро ахборот алмашиш, оғзаки ва ёзма мулоқот юрита олиш малакаси вужудга келтирилади.

Демак, нутқий жараён бири-бирига боғлиқ бўлган ва ўзаро таъсир қилиб турадиган қуйидаги 3 омил: тил бирликлари ва уларнинг ўзаро боғланишини ўргатувчи грамматик билимлар, ушбу бирликлар ва қоидаларни амалий қўллаш кўникмалари ҳамда ўз фикрларини янги вазиятда эркин ифодалаш учун ўрганилган билимлардан фойдалана олиш малакаларидан ташкил топади. Шу уч омил биргаликда амал қилгандагина нутқий фаолиятни юзага келтиради. Айнан шу омилларни босқичма-босқич ривожлантириб бориш тилга ўргатишнинг асоси ҳисобланади. Бунда уларнинг тизимли равишда берилиши, тил бирликларининг ўзаро синтагматик ва парадигматик алоқадорликда, боғлиқликда бўлиши айниқса муҳимдир.

Нутқий мулоқот жараёнида инсон ана шу боғлиқликларни комплекс ҳолда, яъни тинглаш, ўқиш ва маъноларини тушуниш бирлигида қабул қилади. Нутқий фаолиятнинг ушбу турлари бир-бирига боғлиқ ҳолда босқичдан-босқичга ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ўзлаштириб борилиши узвийлик ва узлуксизликни таъминлайди.

Кейинги йилларда кўпчилик методист олимлар томонидан грамматик билимларни нутқий намуналар (моделлар) воситасида тақдим этилиши маъқулланмоқда. Албатта, ҳар қандай нутқ учун муайян нутқий қурилмалар асос бўлиши инкор этилмайдиган ҳақиқат. Шу боис фаол грамматик минимумларни ажратишда нутқий намуналардан фойдаланиш, яъни танлаб олинган ҳодисанинг бошқа шу каби тузилмаларни ҳосил қилиши учун андоза бўлиб хизмат қила олиши муҳим бир мезон ҳисобланади.

1.2. “Араб тилида “ҳамза” ундоши” модулини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар

“Инновацион таълим” деганда одатда ўқув жараёнига янги (фойдали)

элементлар олиб кириш тушунилади. Шунинг учун таълим тизимида инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. Бундай ўзгартиришлар таълим тизимининг:

- мақсадига, мазмунига, метод, технологиясига, ташкил этиш шакли ва бошқарув тизимига;
- педагогик фаолиятдаги ўзига хослик ва ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга;
- таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизимига;
- ўқув-методик таъминотига;
- тарбиявий ишлар тизимига;
- ўқув режа ва ўқув дастурларига;
- талаба ва ўқитувчи фаолиятига боғлиқ.

“Араб тили” фанининг **мақсади ва вазифалари:**

“ Шарқ тили (араб тили)” фанининг асосий мақсади – талабаларга ҳозирги араб тилининг назарий ва амалий асослари ҳақида атрофлича билим бериш, уларда араб тилида эркин ва мустақил мушоҳада юритиш, эгаллаган билим ва кўникмаларини амалда қўллаш малакасини шакллантириш, соҳа бўйича илмий-тадқиқот олиб бориш кўникмаларини беришдан иборат. Талабалар араб тилига оид асосий маълумотларни билиб олиш билан бирга, тилнинг услублари, таржима назарияси ва амалиётига оид кўникмаларга ҳам эга бўлишлари эътиборга олинади.

Фаннинг вазифаси - нутқ амалиётига асосланган бўлиб, талабаларнинг мантиқий тафаккурини, чет тилидаги нутқий қобилиятини, хотирлаш турлари, фикрлари, умумнутқий ва умумтаълимий ўриқларни, тил бўйича мустақил ишлаш малакаларини ривожлантиради. Араб тили дарсларида турли нутқий вазиятларга тааллуқли бўлган фикрларнинг асосий мазмунини бир маротаба эшитишда тўлиқ тушуниш ва зарурият туғилганда, ундан аниқ маълумотни ажратиш; рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги янгиликлар ва репортажларни тушуниш, шунингдек, кўпгина фильмларни, агар уларнинг

кахрамонлари адабий тилда гапираётган бўлса, мазмунини тушуниш, касбий йўналтирилган коммуникатив вазиятларга тааллуқли эркин ва стандарт диалогларда иштирок этиш, ўз она тили ва араб тилида ўқилган ёки тингланган кўпгина аутентик фикрлар (дискурс) асосида тилга оид, нутқий ва мазмуний таянчлардан фойдаланган ҳолда касбга йўналтирилган маълумотларни ифодалаш учун монологларнинг барча турларини тузиш. Бу эса таълимнинг ушбу босқичида нутқнинг фан мазмуни асосидаги фанлараро алоқалардан фойдаланишни назарда тутди.

Фан битирувчисининг касбий тайёрлашдаги ўрни

“Шарқ (араб тили)” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланади.

ДТС дастурини амалга ошириш ўқув режасида кўзда тутилган шарқ тилларига берилган умумкасбий (тил ўрганилаётган мамлакат адабиёти, ўрганилаётган мамлакат тарихи, тилшуносликка кириш, адабиётшуносликка кириш), махсус фанлар (ўрганилаётган тил филологиясига кириш, асосий ўрганилаётган тил ўқитиш методикаси, таржима назарияси ва амалиёти, араб тили лексикологияси, асосий шарқ тилининг назарий грамматикаси) фанларидан етарли билим ва кўникмаларига эга бўлишлик талаб этилади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

- асосий ўрганилаётган тилнинг морфологик тузилиши ва товуш тизими;
- асосий ўрганилаётган тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима қилиш амалиёти спецификаси ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари;
- асосий ўрганилаётган тилнинг ривож ва тил доирасидаги экстралингвистик шаклланишнинг асосий факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- қиёсий-тарихий тилшунослик соҳасидаги мунозарали масалалар;

- ёзма адабий тил тарихи, ёзма ёдгорликлар тили;
- асосий ўрганилаётган тилнинг ёзма, адабий ва оғзаки шакллари;
- тилнинг илмий тавсифи, ёзув, график хусусиятлари, орфографияси, пунктуацияси, лексик-грамматик хусусиятлари, сўз ясалиши ва унинг тузилиши, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш қонуниятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятларини;
- матн тили, ёзув хусусиятлари, имло ва пунктуацион хусусиятлари, лексик-грамматик хусусиятлари, сўз ясалиши ва унинг тузилиши, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш қонуниятларини;
- илмий атамалар тизими, лингвистика ва адабиётшуносликка тегишли тушунчаларни *билиши кўникмаларига эга бўлиши керак*;
- асосий ўрганилаётган тилдаги адабий матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима қила олиш;
- асосий ўрганилаётган тилда чет эллик мутахассислар билан муайян соҳада ва умумий масалаларда тўлақонли жонли мулоқот олиб бориш;
- ҳар турли ва мураккаб матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилдан асосий ўрганилаётган тилнинг ҳозирги адабий шаклига ёзма таржима қила олиш;
- асосий ўрганилаётган тилда мулоқот қилиш, нутқ сўзлаш;
- асосий ўрганилаётган тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга суҳбат, нутқ ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш;
- асосий ўрганилаётган тил ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аннотация, реферат, маълумотлар тўплаш, тузиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг

самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Интерфаол методлар – бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни андрагогик таъсир этиш методлари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат андрагог ва таълим оловчи-тингловчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимнинг қуйидаги энг оммавий технологиялари қўлланилмоқда:

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади”, “Блиц-сўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат” ва бошқалар.

2. Стратегиялар: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёраш”, “Ротация”, “Т-жадвал” ва ҳ.к.

3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва бошқалар.


Бундай таълимдаги методлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- талабанинг машғулот давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;
- талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- таълим берувчи ва талабанинг ҳаммаша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Бугунги кунда илғор таълим технологиялар жадаллик билан ривожланиб, таълим тизимининг барча турларида кенг қўламда

қўлланилмоқда. Натижада талабаларнинг ижодий ишлашига, дунёқарашининг кенгайишига катта имкониятлар яратилмоқда. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам илғор таълим технологияларининг интерфаол методларидан фойдаланиш юқори самара бермоқда. Қуйида мана шундай методларнинг бир нечаси билан таништириб ўтмоқчимиз.

Венн диаграммаси методи.




Бунда талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. Бу метод таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Бундан муайян билим ёки бобла рўйича якуний машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш самаралироқ бўлади. **Венн диаграммаси** (инглиз файласуфи Джон Венна номи билан аталган).

Методнинг мақсади: Бу метод графикасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ё учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



- 1) Ўрганиладиган “А” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 2) Ўрганиладиган “Б” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 3) Ўрганиладиган “С” объектнинг ўзига хос жиҳатлари;
- 4) Ўрганиладиган “А” ва “Б” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари;
- 5) Ўрганиладиган “А” ва “С” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари;
- 6) Ўрганиладиган “С” ва “Б” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари;
- 7) Ўрганиладиган “А”, “Б” ва “С” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари.

“Венн диаграммаси” методи тингловчиларда ўрганилаётган объектларнинг ўзига хос (фарқли) ва ўхшаш жиҳатларини таҳлил қилиш малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

“Т – чизма” методи.




Методнинг мақсади: Мазкур метод бирор тушунча, ёки мавзу бўйича ўрганилган ахборотлар тизимини қиёсий таҳлил этиш, солиштириш, мустақил муносабатни шакллантиришга имконият яратиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни миқдор жиҳатдан тенг гуруҳларга ажратади;
- иштирокчиларни тренинг ўтказишга қўйилган талаблар ва бажарилиши зарур бўлган топшириқ шартлари билан таништиради;
- тарқатмалар (иловадаги) иштирокчилар гуруҳига берилади ва таклиф этилган чизма асосида қатнашчилар тушунчага ёки муаммога нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;
- билдирилган фикрлардан асосий фарқлари ажратилиб, керакли устунчаларга ёзилади;
- белгиланган вақт (10-15 дақиқа) якунига етгач, барча гуруҳларнинг фасилитаторлари ёрдамида презентация ташкил этилади;

➤ барча гуруҳларнинг якуний хулосалари ўкиб эшиттирилганидан сўнг, тренер-ўқитувчи гуруҳлар ишини баҳолайди ва қўшимча тўлдиришларни киритади.



“Блиц-сўров” методи. Таълим жараёнида “Блиц-сўров” методи ҳам фаол қўлланилади. “Блиц-сўров” (ингл. “Блиц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этади.

«Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим» методи талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади.

“Нима учун?” график органайзери муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири ҳисобланади. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Талабалар “Нима учун?” чизмасини тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда муаммони ифодаляйдилар. “Нима учун?” сўроғини берадилар ва чизадилар, шу саволга жавоб ёзадилар. Бу жараён муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом этади.

Мазкур модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкин:

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Араб тилида “ҳамза” ундоши ўқитишда илғор ҳожиий тажрибаларга асосланган замонавий методлар, педагогик ва ахборот коммуникация (медиа-таълим, амалий дастурий пакетлар, презентацион, электрон-дидактик) технологияларни қўллаш назарда тутилади.

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим технологиялари ёрдамида талабаларнинг тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

«Қарама-қарши муносабат» методи ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;

– жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;

– кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;

–жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифодаловчи жадвал яратилади.

Талабалар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборларига қуйидаги жадвални тақдим этиш мақсадга мувофиқдир (Жадвалнинг тўлдирилишини “Араб тилида “ҳамза” ундоши” мисолида тушунтирамиз):

Якка тартибда ишлаш жараёнида фойдаланиш учун:

Мавзунинг аҳамияти			
№	Муҳим тушунчалар	№	Муҳим бўлмаган тушунчалар
1	"ء"– همزةундош товуш ҳисобланади.	1	Араб алифбоси таркибига киритилмаган
2	"ء"– همزةнинг махсус имло қоидалари мавжуд.	2	"ء"– همزةни ғайн каби талаффуз қилиш мумкин эмас.
3	Сўз бошида келган ҳамза ҳамиша алиф усти ёки остида келади.	3	Нутқда "ء"– همزةсўз охирида келганида деярли талаффуз қилинмайди.

**II боб. “Араб тилида “ҳамза” ундоши” мавзусини ўқитишда интерфаол
(Блиц сўров ва Б/Б/Б жадвали ҳамда ФСМУ усули асосида ишлаш)
методларидан фойдаланиш**

2.1. “Шарқ (араб) тили ” ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи

Фаннинг қисқача тавсифи			
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Бухоро давлат университети		М.Иқбол кўчаси, 11
Кафедра:	«Ўзбек тилишунослиги»		“Филология” факультети таркибида
Таълим соҳаси ва йўналиши:	5220 100 – “Ўзбек филологияси” таълим соҳаси	Бакалавриат босқичининг “Ўзбек тили ва адабиёти” таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган	
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	ф.ф.д., доц.Г.А.Астанова	e-mail:	guli4803@mail.ru
Дарс машғулотини ўтказишнинг вақти ва жойи:	Ўқув-услубий бошқарма томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида университетнинг ўқув биноларида	Курснинг бошланиш ва давом этиш муддати: бир жараён	Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ биринчи семестрда
Индивидуал график асосида профессор- ўқитувчининг	Ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари 14.00 дан 18.00 гача		

талабалар билан ишлаш вақти:					
Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимооти	Аудитория соатлари			Мустақил таълим:	25
	Маъруза:		Амалиёт		
Фаннинг бошқа фанлар билан узвий алоқаси (пререквизитлари):	“Филология ва тилларни ўқитиш” ,Тил тарихи”, “Тилшунослик назарияси”, “Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти”, “Матншунослик”,”Психология”				
Фаннинг мазмуни					
Фаннинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:	<u>Фанни ўқитишдан мақсад ва вазифаси</u> – “Шарқ (араб ва форс) тили” фани бўйича бакалавр курсининг талабаларда илмий ахборот билан ишлаш кўникмаларини ва малакаларини шакллантириш, ўқиш, ёзиш, араб имлосидаги қўлёзма, тошбосма газета, журнал ва илмий асарларни ўқишга, улардан ўз фаолияти учун зарур бўлган ахборотларни олишга ўргатиш, жорий имлога табдил ва таҳлил қила олишларига эришиш. “Шарқ (араб ва форс) тили” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар: “Шарқ (араб) тили” фани бўйича бакалавр араб ёзуви ва унинг тарқалиши, араб ҳарфларининг ўзига хос хусусиятлари, араб тили фонетикаси, морфологияси, пунктуацияси, араб тили луғати, араб тилига хос қисқа ва чўзиқ унлилар ва бошқа белгилар, араб ва эски ўзбек ёзувидаги ўзаро фарқлар, араб тилида имло қоидалари, араб тилида сўз ясалиши, араб тилида ўзак ва у орқали сўзларни топа билиш, араб имлосидаги матнларни қийинчиликсиз мутолаа қилиб табдил қила олиш, ўзбек тили таркибидаги араб ва форс сўзларни таҳлил қила олиш, араб имлосининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, араб тилида сўз ясалиши қоидалари, араб имлосидаги матнларини транскрипция қилиш, араб имлосида ёза олиш, араб тилидаги сўз ва ибораларини таржима қилишда луғатдан фойдаланиш билими, малакаси ва кўникмаларига эга бўлиши керак.				

**Талабалар
учун талаблар**

Университетнинг одоб-ахлоқ кодекси талаблариги қатъий риоя қилиш, шунингдек:

- профессор-ўқитувчи аудиторида кирганида ўтирган жойдан туриб “Ассалому алайкум” деб кутиб олиш;
- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш;
- профессор-ўқитувчидан сўнг дарс машғулотида кеч келган талаба аудиторияга киритилмайди;
- профессор-ўқитувчи ва гуруҳдошларга қўполлик қилмаслик, сўз талашмаслик, ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- университет ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш;
- кийиниш талаблари (маданияти) га риоя қилиш;
- машғулотлар вақтида ўқитувчининг рухсатсиз аудиториядан чиқмаслик (умуман дарс жараёнида аудиториядан сабабсиз чиқишга рухсат берилмайди);
- уй вазифаси ва мустақил иш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- кўчирмачилик (плагиат) қилмаслик, қатъиян ман этилади;
- дарсларга қатнашиш мажбурий, сабабсиз 2 (икки) ва ундан ортиқ дарс қолдирган талаба кейинги машғулотларга факультет декани рухсати билан киритилади;
- сабабли дарс қолдирилган тақдирда, профессор-ўқитувчига маълумотнома (справка) тақдим этиш;
- ҳар қандай ҳолатларда ҳам қолдирилган дарслар қайта ўзлаштирилиши шарт;
- маъруза ва амалиёт дарсларига олдиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш;
- қўшимча равишда бажарилган тақдимот, мустақил иш, эссе, реферат, креатив фикрлаш даражаси, турли хил тадбирлар ва илмий-амалий анжуманларда маърузалар билан иштирок этганлиги учун **+2 бонус баллар** берилади;
- талабага ўз вақтида бажарилмаган мустақил иш, уй вазифаси, тартиб – интизоми бўйича **-2 жарима баллар** белгиланади;
- талаба рейтинг баллидан норози бўлса фан бўйича назорат турлари эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат қилади ва апелляция комиссияси шу куннинг ўзида талабанинг аризасини кўриб чиқиб хулоса чиқаради.

Электрон почта орқали муносабатлар тартиби	Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, лекин оралиқ, жорий ва якуний баҳолаш фақатгина университет ҳудудида, ажратилган хоналарда ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 15.00 дан 20.00 гача.
---	---

1. Ta'lim berish texnologiyasining modeli

Mashg'ulot vaqti-2 soat	Talabalar soni: 13ta
Mashg'ulot shakli	Mavzu bo'yicha bilimlarni kengaytirish va mustahkamlash yuzasidan amaliy mashg'ulot
<i>Amaliy mashg'ulot rejasi</i>	1. Ҳамза ундоши. 2. Ҳамза имлоси. 3. Васлани ҳамза. همزة الوصل و همزة القطع 4.Мадда.
<i>quv mashg'ulotining maqsadi: “Arab tilida hamza undoshi “ mavzusi bo'yicha bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirish.</i>	
<i>Pedagogik vazifalar:</i> Arab tilidagi fonemalar haqidagi bilim va ko'nikmalarni mustahkamlash. Unli va undosh harflar haqidagi ma'lumotlarni umumlashtirish. Hamza undoshi haqida yangi ma'lumotlarni talabalarga etkazish.Unga doir mashqlar bajarish orqali talaba ko'nikmasini shakllantirish.	<i>O'quv faoliyati natijalari:</i> Talabalar arab tilidagi fonemalar haqidagi bilim va ko'nikmalarni mustahkamlaydilar. Fonemalar haqidagi ma'lumotlarni umumlashtirib, hamza undoshi haqida yangi ma'lumotlarni o'zlashtiradilar.Unga doir mashqlar bajarish orqali bilim va malakalarini oshiradilar.
<i>Ta'lim berish usullari</i>	<i>Блиц сўров ва Б/Б/Б жадвали ҳамда ФСМУ усули асосида ишлаш,тест</i>
<i>Ta'lim berish shakllari</i>	<i>Kichik guruhlarda ishlash.</i>
<i>Ta'lim berish vositalari</i>	<i>O'quv qo'llanma, proektor, slayd, markerlar, tarqatma materiallari</i>

<i>Ta'lim berish sharoiti</i>	Texnik ta'minlangan, gurlarda ishlash uchun mo'ljallangan auditoriya
<i>Monitoring va baholash</i>	Og'zaki nazorat: savol-javob, test

**§ 2.2.Араб тилида “хамза” ундоши” мавзусининг технологик харитаси.
Ўқув машғулотининг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулоти а кириш (дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.
2-босқич. Асосий (дақ.)	2.1. Тезкор-сўров/ савол-жавоб/ ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2.Амалий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади	Жавоб берадилар Ёзадилар. Гуруҳларда ишлайдилар, тақдимот қиладилар ва бош.
3-босқич. Якуний (дақ.)	3.1.Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади. 3.3. Мустақил иш учун топширик беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди .	Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар. Топшириқни ёзадилар. Тест бажарадилар.

Ish	Faoliyat mazmuni
------------	-------------------------

bosqichlari va vaqti	Ta'lim beruvchi	Ta'lim oluvchilar
Tayyorlov bosqichi	Mavzuni aniqlaydi, ta'limiy maqsadni belgilaydi va kutilayotgan natijalarni shakllantiradi. Belgilangan ta'limiy maqsadlarga mos o'quv bilish topshiriqlarini ishlab chiqadi . Samarali ichki guruhlar ishini ta'minlovchi guruhlar uchun- yozma yo'riqnomalarni tayyorlaydi. Ekspert guruhlar ish natijalarini baholash mezonlarini ishlab chiqadi.	
1. O'quv mashg'ulotig a kirish bosqichi <i>(10 daq)</i>	1.1. Mashg'ulot mavzusi, uning maqsadi va kutilayotgan natijalar bilan tanishtiradi, ularning ahamiyatligi va dolzarbligini asoslaydi. 1.2. Mavzu bo'yicha sosiy tushunchalarga ta'rif berishni taklif qiladi va shu asosda tezkor-so'rov o'tkazib talabalar bilimlarini faollashtiradi <i>(3-ilova)</i>. 1.3. Ishchi guruhlarda o'quv topshiriqlarini bajarish orqali amalga oshirilishini e'lon qiladi <i>(2-ilova)</i>.	Savollarga javob beradilar.
2. Asosiy bosqich <i>(55 daqiqa)</i>	2.1. Talabalarni 2-ta kichik guruhga bo'ladi va guruhlarda hamkorlik asosida ishlash usuli qoidalari bilan tanishtiradi <i>(2-3-ilova)</i>. Har bir guruh mavzu rejasi asosida takdimot tayyorlashini aytadi. 2.2. Ko'rgazma materiallari yoki slaydlar orqali blits co'rov qiladi. 2.3. Guruhlarga topshiriqlarni bajarish uchun yordam beradi. Taqdimot materiallari mazmunan va mantiqan to'liq yoritilishini kuzatadi. 2.4. Taqdimot boshlanishini e'lon qiladi. Guruhlarda sardorlar taqdimotini tashkillashtiradi. Aniqlik kiritilishi lozim bo'lsa, guruh sardorini to'xtatadi, savollar beradi, muhokamasini jamoaga havola etadi. 2.5. Mavzular asosida berilgan ma'lumotlarni umumlashtiradi va xulosalaydi. Faol ishtirokchi talabalarni	Kichik guruhlariga bo'linadilar. Topshiriqlar bo'yicha ishlaydilar. Faol qatnashadilar, takdimot uchun materiallar tayyorlaydilar. Guruhdan sardor tanlashadi, uning taqdimotida hamkorlik qiladilar. Savollarga javob beradilar.

	rag`batlantiradi va umumiy baholaydi.	Tinglaydilar.
3–Yakuniy bosqich (20 daqiqa)	3.1.O`quv faoliyati yuzasidan xulosa bildiradi. 3.2. Mavzular maqsadiga erishishdagi talabalar faoliyatini tahlil qiladi va o`zlashtira olmagan joylarini qayta o`qib chiqishni tavsiya etadi.	Tinglaydilar.

Мавзу: Араб тилида “ҳамза” ундоши

Режа:

1. Ҳамза ундоши.
2. Ҳамза имлоси.
3. Васлали ҳамза. همزة الوصل و همزة القطع
- 4.Мадда.

Дарс мақсади: Талабаларда ҳамзанинг ёзилиши қоидалари бўйича малака ва кўникмалар шакллантириш.

Таянч иборалар: ҳамза, таглик, катталик, ҳарф танлаш, унли ифодаси, ҳамзани кўтариш, кучли унли, таянчсиз ҳамза, мадда.

Ҳамза ундоши « ء » алифбода ўз аксини топмаган. У қўшимча белги билан ифодаланади ва алифбога илова қилинади. «Ҳамза» ҳосил бўлиш ўрнига кўра бўғиз товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овознинг иштирокига кўра жарангсиз ундош товушдир. Бу товушнинг талаффузи йенгилгина ўтадиганйўталга ўхшаб кетади. У ўзбек тилида мустақил фонема ҳисобланмайди, лекин талаффузда қисман мавжуд. Ўзбек тилидаги “ака”, “ука”, “ини” сўзлардаги каби биринчи ўзакни ташкил қилган сўзларда унинг талаффузи, сезилмайди, балки у ўзбек тилининг “а”, “у” ва “и” унли

товушларидек талаффуз қилинади. Фақат «ҳамза» сўзнинг ўрта ва сўнги ундошларини ташкил қилган сўзларда сукунланган бўлсагина яққол сезилади (масалан: رَأْسٌ [раъсун], فَأَسٌ [фаъсун], بِنْرٌ [биърун], بُؤْسٌ [буъсун]).

«Ҳамза» ўзбек тили ўзлаштирган баъзи арабча сўзларда айирув белгиси (харфи) билан ифодаланади (масалан: **масъул, машъум, маъмур**). Араб тилида эса ҳамза ўзига хос ундош фонемадир. Ҳамза ёзувда [ء] белгиси билан ифодаланади.

Ҳамза белгиси ҳарфлар тизмасида тутган мавқеъига қараб ўзи алоҳида ёки و (алиф) (вов) ва ي (ёй) таянчлигида сатр усти ёки остига қўйилиши мумкин. Мазкур ҳарфлар ҳамзага таянч вазифасини бажарганда ўзлари ҳеч қандай товушни билдирмайди. Айрим ўринда ҳамза белгисини қандай ёзиш ва таянч учун қандай ҳарф танлаш жумбоқи мазкур белгининг ҳарфлар тизмасида тутган ўрни ва икки томондаги ҳаракатларнинг нисбатига мувофиқ ҳал қилинади⁸.

Сўз бошида ҳамзага таянч вазифасини алиф бажаради.

Агар сўз бошида ёзилаётган ҳамзадан сўнг «а» ёки «у» бўлса, ҳамза белгиси муносиб ҳаракат билан таянч ҳарф (алиф) устига қўйилади

أَبُّ абун - ота أُمُّ уммун - она

Сўз бошидаги ҳамзадан сўнг қисқа «и» оғилса, ҳамза белгиси касра билан биргаликда таянч ҳарф (алиф) остига қўйилади:

إِبْنُ ибнун- ўғил, إِسْمَعُ «исма» -эшит

Сўз ўртасидаги ҳамзага таянч вазифасини зикр қилинган уч ҳарф

ва ا و ي дан бири бажаради. Улардан қайси бири маълум бир ҳолат учун яроқлилиги масаласа «ҳаракатнинг катталиги» қондасига биноан ҳал этилади. Унга мувофиқ «и» унлисининг ифодаси -«касра» энг каттадир, «у» унлисининг ифодаси «дамма» эса ундан кичик, бироқ «а» унлиси ифодаси

⁸Hifni Nasif الدروس النحوية (Ad- durus an-nahviyya), Iskandariya, 2007 y. s-227.

«фатҳа»дан каттадир. Демак, фатҳа ҳамма ҳаракатлардан кичик, бироқ «суқун»дан катта⁹.

Ўртадаги ҳамзанинг таянчини топиш учун унинг ўнг ва чапида келаётган ҳаракатлар ва суқунни қиёслаштириб кўрамиз. Уларнинг қайси бири катта бўлса, ўшанга табиатан мувофиқ ҳарф ҳамзани «кўтариб» келади- унга таянч вазифасини ўтайди. Мисол учун سُؤَال «суъалун»- сўроқ сўзини олиб кўрайлик. Кўриниб турибдики ҳамзанинг ҳар икки томонидаги «у» ва «а» унлилари қиёсланса, ҳарфлар катталиги қондасига асосан «у» нинг кучлилигини аниқлаймиз. Бинобарин, бу ўринда ҳамзага таянч вазифасини ўз табиати билан «у» га мос келувчи «вов» бажаради:

«суъалун». سُؤَال

Масалан:

سَأَلَ - «саъала»-сўрамоқ

فَأَسَّ - «фаъсун» - болта

Ўртадаги ҳамзага «ё» ҳарифи таянч бўлганда, ёзувни осонлаштириш учун унинг диакритик қўш нуктаси тушириб ёзилади.

سَيِّمَ саъима, جَنْتُ жиъту

Ҳамза суқундан сўнг келганида, баъзан учраб турадиган жуфт вовлик ҳолатда ҳамзанинг таянчи «ё» ҳарфи билан алмаштирилиши мумкин. Бироқ у нуқталарсиз ёзилади:

مَشْنُومٌ ёки مَشْنُومٌ машъумун-машъум

مَسْنُولٌ масъул масъулун -масъул

Ўртадаги фатҳалик ҳамза чўзиқ «а» дан кейин келганда ҳеч бир таянчсиз ёзилади.

⁹ Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Т.. Т. 1997 у. Б- 20.

تَفَاعَلَ-тафаъала

سَاءَلَ-саъала

Сўз охиридаги ҳамзанинг ёзилиши қуйидагича:

а) ҳамзадан олдинда чўзиқ унли ёки суқун бўлса, у таянчсиз ёзилади:

سُوءُсуъун, مَجِيءٌ мажиун

شَيْئٌшайъун

б) ҳамзадан олдинги қисқа унли бўлса, ўшанинг табиатига мувофиқ ҳарф унга таянч бўлиб ёзилади:

جُرُوجٌжаруъа قَرَأَқараъа

بَرِيءٌбарийъа

Ҳамза товушидан кейин «а» унлисини маддали алиф билдиради.
Масалан:

أَكَلَاакала - биргалашиб овқатланмоқ

Араб тилида ҳамза иккига боқлинади:

1. همزة الوصل

2. همزة القطع

«ҳамзатул васли» ўзининг луқавий маъносидан келиб чиқсак, «бирлаштирувчи» маъносини беради.

«ҳамзатул васли»нинг қўлланиши бўғин назарияси билан боқлиқ, яъни араб тилида боғин иккита ундошнинг кетма-кет талаффузи билан бошланмайди. Ана шундай кетма-кетликнинг олдини олиш учун боғин бошига ҳамза ва битта қисқа унлидан иборат бўлган бўғин/ъа, ьу, ьи/ қўшилади. Ёзувда бу боғин алиф ва унинг устида васла белгиси билан берилади. Бу белги мос келувчи ҳаракат билан оғилади. Масалан: كتب - استكمل - أكتبستكمل

Ундош билан тугаган сўз кейинги сўзга қўшилиши учун сўз охирида ёрдамчи унли олади. Бу фақат нутқ равонлигини амалга ошириш учундир. Бу ҳодисани васлалаш дейилади. Ёрдамчи унлини танлаш унлиларнинг алмашнуви қондасига мувофиқ танланади.

Охиргибоғиннинг унлиси	Охирги ундош олади
-а-	-и-
-и-	-а-
-у-	-у-, -и-
-аи-	-и-
-ау-	-и-
Масалан:	
من الغرفة	мина-л-гурфати
من الرجل	мани-р-рагули
و الكتابا	ауи-л-кита:бу

«Ҳамзатул қатъи» маъно ташувчи бўлгани учун йўқолмайди.

«Ҳамзатул қатъи»нинг луғавий маъноси: ажратувчи ҳамза. Бирлаштирувчи ҳамзага қарши ўлароқ васлалашмайди. У сўзнинг негизини ташкил этади ёки маъно кашф этувчи грамматик вазнларнинг элементи сифатида ишлатилади.

Масалан: أمأفلام

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳамза фақатгина ҳаво оқимининг товуш чиқаётган ораликдаги тўсиқни ёриб чиқишигина эмас, балки ана шу ҳаво оқимининг тўсиққа урилиб тўхтаб қолиши натижасидаги товуш ҳамдир.

ГЛОССАРИЙ

Атаманингўзбек Тилида номланиши	Атаманинг араб тилидаги номланиши	Атаманинг рустилида номланиши	Атаманинг маъноси
Ҳамза	همزة Ҳамза	Согласный звук хамза	Ҳамзаундоши « ء » алифбода ўз аксини топмаган. У кўшимча белги билан ифодаланади ва алифбога илова қилинади.
Ҳамза имлоси	همزة	Символ хамза	Ҳамза белгиси ҳарфлар тизмасида тутган мавқеъига қараб ўзи алоҳида ёки (алиф) و (вов) ва ي (ёй) таянчлигида сатр усти ёки остига қўйилиши мумкин. Мазкур ҳарфлар ҳамзага таянч вазифасини бажарганда ўзлари ҳеч қандай товушни билдирмайди.
Васлали ҳамза	همزة الوصل	Васловая хамза (Соединител ь- ная хамза)	Талаффуз қилинмайдиган ҳамза товуши. Васлали ҳамза ёзувда васла ҳаракати билан бошланади. Васлали ҳамза ёзувда васла ҳаракати билан алиф ҳарфи ёрдамида ифодаланади.
Қатъий ҳамза	همزة القطع	хамзааль-ка- тъ "пресека- ю- щая(разделит ельная) хам- за"	Талаффуз қилинмайдиган ҳамза товуши. Қатъий ҳамза ҳосил бўлиш ўрнига кўра бўғиз товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннин гиштирокига


			кўра жарангсиз ундош товушидир.
Лигатура		Лигатура	Лотинча сўз бўлиб, “боғламоқ” маъносини ифода этиб, ҳарфларни боғланиб ёзилишини фодалайди.
Васла	وصلة	Васла	Васла сод ҳарфига ўхшайди шамсия ҳарфи билан боғланган сўзларда ал артикли кўшилганда лом устига қўйилади. Агар “ал” артиклидан олдин бирон сўз келса, унинг ҳаракати таъсирида қамария ва шамсия ҳарфига қараб васла ҳамзанинг устига ёки “ал” артиклининг устига қўйилади.
Мадда	مدة	Мадда	Тўлқинсимон чизиқча бўлиб, алифнинг устига қўйилади ва икки, уч алиф баробарида ўқилади. Одатда мадда иккита фатҳа ракатни ҳамза ёки фатҳа ҳаракатли ҳамзадан кейин алиф, бири сукунли иккинчиси фатҳали бўлган ҳамзалар ўрнига алиф ёзилиб, устига мадда белгисини қўйиш қоида сифатида қабул қилинган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Араб тилида нечта ундош ҳарф мавжуд?
2. Араб тилида нечта унли ҳарф мавжуд?

3. Ҳамза ундоши ҳақида нималарни биласиз.?
4. Ҳамза ундошининг ёзув шаклини биласизми?
5. Сўз бошида келган ҳамза қоидабини айтиб беринг.
6. Сўз ўртасида келган ҳамза қоидабини айтиб беринг.
7. Сўз охирида келган ҳамза қоидабини айтиб беринг.
8. “Ҳамза учун ҳарфларнинг катта-кичиклигини билиш муҳим”, деган тушунчани қандай изоҳлайсиз?
9. Мадда нима?
10. Ҳамза ундошининг ёзув қоидалари қандай?
11. Ҳамза нима учун алифбо таркибига киритилмаган?

Дарсда қўлланилган интерфаол услублар:



Мазкур мавзуни ўргатишда Блиц - сўров методини қўллаш анча қўл келади. Хусусан, талабаларнинг ўтган дарс мавзусини қай даражада ўзлаштирганларини билиш мақсадида ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ. Таълим муассасаларида бу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, ўқувчи (талаба)ларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади. “Блиц-сўров” методини ёзма шаклда ҳам

Ўтказиш мумкин. Бунинг учун талабаларга саволлар ёзилган варақлар тарқатилади. Саволларнинг тўғрисиغا жавоблар ёзилади. Масалан:

Араб тилида нечта ундош ҳарф бор?

Араб тилида нечта унли бор?

Араб тили қандай тиллар оиласига мансуб?

Араб тили ёзувида бўғин кўчириш борми?

Ҳамза ундоши ҳақида маълумотга эгамисиз?

Ўзбек тилида туттуқ белгиси бор сўзлардан мисол келтиринг.

Ҳозирга қадар ўрганган ҳарфларингиз асосида араб тилида 5та сўз айтинг. (Бу талаб ёзилган қоғозни кўпгина талабаларга бериш мумкин.)

Машғулотларда методни қўллаш қуйидагича кечади:

О‘қитувчи о‘рганган mavzu, muayyan tarkibiy qismlar mohiyatining ochib berilishini talab etadigan savollarni ishlab chiqib, o‘quvchilar e’tiboriga havola qiladi



О‘қувчи (talaba)lar berilgan savolga qisqa muddatda lo‘nda, aniq javob beradi



Guruh (juftlik)da ishlashda bir nafar o‘quvchi berilgan savolga javob qaytaradi (uning guruhdoshlari javobni to‘ldiradi, (biroq, fikrlar takrorlanmasligi lozim)


Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти ўқувчи (талаба)лар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

Таълим инноватсионлари таълим тизимини қуйидаги ўзгаришларга олиб келади (И.П.Подласий):

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;

- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- талаба фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.

Шу усулда талабалардан ўтган дарс мавзусини ҳам сўраб, ҳам мустаҳкамлаб олиш мумкин.



ФСМУ методи. Доскага ўтган дарс мавзусини бугунги дарс мавзусига боғлашга хизмат қиладиган битта умумжамоа учун савол ёзилади. Ҳамма ўз фикрини қоғозга туширади. Маълум фурсат ўтиб, жавоблар ёзилган қоғоз талабаларнинг ўзига текшириш учун алмаштирилади. Улар бир- бирларининг жавобларини ўқиб, оғзаки фикр билдирадилар. Масалан: Савол: Ўзбек тилидаги *масъул*, *савол*, *ашё*, *машъум*, *маъмур* каби сўзлар тилимизга қадардан кириб келган деб ўйлайсиз? Фикрингизни баён этинг, каби.

Б/Б/Б жадвали асосида ишлаш

	Мавзу саволлари	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	Араб тилида нечта ундош харф мавжуд?	+		
	Араб тилида нечта унли харф мавжуд?		+	
	Хамза ундоши ҳақида нималарни биласиз.?	+		
2	Хамза ундошининг ёзув шаклини биласизми?		+	
3	Сўз бошида келган ҳамза қоидасини айтиб беринг.			+
4	Сўз ўртасида келган ҳамза қоидасини айтиб беринг.		+	
5	Сўз охирида келган ҳамза қоидасини айтиб беринг.			+
6	“Ҳамза учун ҳарфларнинг катта-кичиклигини билиш муҳим”, деган тушунчани қандай изоҳлайси		+	
7.	Мадда нима?			+
8	Ҳамза нима учун алифбо таркибига киритилмаган?		+	

“БББ” жадвали асосида ишлаш

Талабаларга мавзу юзасидан таянч тушунчалар тақдим этилгач, улар бўлинган кичик гуруҳларга **“БББ” жадвали** тарқатилади. Жадвал гуруҳчалар томонидан дарс тугашига 8-10 дақиқа қолгунига қадар тўлдириб борилади ва дарс охирида таҳлил этилади. Талабалар мавзу моҳиятидан ўзларига маълум бўлган ахборотларни жадвалнинг **“Биламан”** қисмига; таянч тушунчалар ичида уларнинг диққатини тортган ўринлар, одатда, жадвалнинг **“Билишни хоҳлайман”** қисмига; дарс якунида ўзлаштирган билимларини, жадвалнинг **“Билиб олдим”** қисмига ёзадилар. Дарс якуни арафасида кичик гуруҳ аъзолари **“БББ” жадвали** қисмларини ўзаро таққослайдилар, фарқларни мос жиҳатларни белгилайдилар. Ҳар бир кичик гуруҳнинг бир вакили **“БББ” жадвали** натижаларини тақдим этадилар.

فَصْلُ الشَّتَاءِ

هَذَا فَصْلُ الشَّتَاءِ. أَنَا أُحِبُّ هَذَا الْفَصْلَ. فِي هَذَا الْفَصْلِ ثُلُوجٌ كَثِيرَةٌ
وَالْحَرَارَةُ بَارِدَةٌ جِدًّا. لَوْ أَنَّ الثَّلْجَ أَيْضًا. الثَّلْجُ بَارِدٌ جِدًّا. الثَّلْجُ صَغِيرٌ. الثَّلْجُ
يَنْزِلُ مِنَ السَّمَاءِ. ذَلِكَ غُرَابٌ. هُوَ فِي السَّمَاءِ. لَوْ أَنَّ
الْغُرَابَ أَسْوَدَ.



هَذِهِ جِدَاءٌ وَهَذِهِ قُبْعَةٌ. هُمَا فِي الْجَزَائِرِ. هَذِهِ الْجَزَائِرُ كَبِيرَةٌ جِدًّا. أَنَا أُحِبُّ
فَصْلَ الشَّتَاءِ. عَلَى الْأَرْضِ ثُلُوجٌ كَثِيرَةٌ. أُحِبُّ الصَّغِيرَ يُحِبُّ الثَّلُوجَ أَيْضًا. أُحِبُّ الصَّغِيرَةَ تُحِبُّ الثَّلُوجَ أَيْضًا.
أَنَا الْآنَ مَعَ أَبِي فِي الدَّارِ. نَحْنُ نَلْعَبُ الثَّلْجَ. فِي دَارِنَا كَثِيرٌ مِنَ الثَّلُوجِ.

Юқоридаги матн слайд орқали кўрсатилади ва ўқитувчи билан бирга бажарилади. Ундаги “ҳамза” ундошига доир сўзлар аниқлаўхштирилиб, ёзув қоидаси таҳлил қилинади. Жараёнда фаол иштирокчи аниқланади.

Машқ. Қуйидагигапларни ўқин ва таржима қилинг:

- | | |
|----------------------------------|-----------------------------|
| ۱ - مَا اسْمُكَ؟ | ۲ - مِمَّنْ أَتَيْتَ أَنتَ؟ |
| ۳ - مَا لُغَتُكَ؟ | ۴ - أَتَيْتَ أَبُوكَ؟ |
| ۵ - أَتَيْتَ أُمُّكَ؟ | ۶ - أَلَيْكَ أَخٌ؟ |
| ۷ - أَلَيْكَ أُخْتٌ؟ | ۸ - أَعِنْدَكَ سَيَّارَةٌ؟ |
| ۹ - أَعِنْدَكَ دَرَّاجَةٌ؟ | ۱۰ - أَعِنْدَكَ قَلَمٌ؟ |
| ۱۱ - أَعِنْدَكَ دَفْتَرٌ؟ | ۱۲ - أَأَبُوكَ تَاجِرٌ؟ |
| ۱۳ - مِمَّنْ أَتَيْتَ مُحَمَّدٌ؟ | ۱۴ - مَا لُغَتُهُ؟ |
| ۱۵ - أَتَيْتَ أَبُوهُ؟ | ۱۶ - أَتَيْتَ أُمُّهُ؟ |
| ۱۷ - مِمَّنْ أَتَيْتَ حَمْرَةً؟ | ۱۸ - مَا لُغَتُهُ؟ |
| ۱۹ - أَتَيْتَ أَبُوهُ؟ | ۲۰ - أَتَيْتَ زَيْنَبٌ؟ |
| ۲۱ - أَتَيْتَ زَوْجَهَا؟ | ۲۲ - أَزَوْجُهَا مُدَرِّسٌ؟ |

Юқоридаги машқ тарқатма материал шаклда берилиши ёки гуруҳга ҳавола этган ҳолда бажарилиши мумкин. Бу талабаларнинг янги сўзларни ўзлаштиришига ёрдам беради. Ҳамда араб тилида савол-жавоб қилишни ўрганишлари учун материал бўлиб хизмат қилади.

Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш жараёни олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнининг ажралмас узвий қисми бўлиб, мазкур жараёни мақсадга мувофиқ ташкил этилишда ностандарт тест топшириқларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Мавзуси юзасидан ТЕСТЛАР

1. « و » (u) ундоши:

- а) жарангли, лаб-тиш, портловчи;
- б) жарангсиз, лаб-лаб, сирғалувчи;
- *в) жарангли, лаб-лаб, сирғалувчи;
- г) жарангли, лаб-лаб, портловчи.

2. « ث » (c) товуши:

- а) сирғалувчи, жарангли, тиш ораси;
- б) портловчи, жарангсиз, лаб-тиш;
- в) сирғалувчи, жарангли, тил-милк;
- *г) сирғалувчи, жарангсиз, тиш ораси.

3. Қайси қаторда фақат шамсий ҳарфлар ёзилган?

- а) ب، ر، س، ن، م в) ق، ل، و، ث، ش
- *б) ر، س، ن، د، ط г) ش، ك، ر، ذ، ق

4. Қайси қаторда фақат камарий ҳарфлар берилган?

- *а) ب، م، ف، ك، ح
- б) ت، ث، ك، ق، ف
- в) ق، ف، ك، ر، م
- г) د، ذ، ج، ح، خ

5. Тушум келишигининг «танвин фатҳа»си қачон «алиф» билан (_¹) ёзилиши мумкин?

- а) фақат бирлик музаккар, ноаниқ ҳолатдаги исмларда;
- б) ҳолатининг аниқ, ноаниқлигидан қатъий назар бирлик музаккардаги исмларда;
- в) бирлик, тўғри ва синиқ кўпликдаги исмларда;
- *г) шаклида муаннаслик кўрсаткичи бўлмаган бирлик ва синиқ кўпликдаги исмларда.

6. «ё» (та марбута)га тутаган сўзлар:

- а) фақат бирлик, муаннаса бўлади;
- б) фақат муаннас жинсида бўлади;
- *в) бирликда, кўпликда, муаннаса, музаккарда бўлиши мумкин;
- г) фақат бирликда, муаннаса, музаккарда.

7. «ё» («ҳамза») қачон сўз бошида тагликсиз ёзилади?

- а) агар «а» («фатҳа») билан ҳаракатланган бўлса;
- *б) ҳеч қачон;
- в) «қатъий» ҳамза бўлса;
- г) «васлалӣ» ҳамза бўлса.

8. «ё» («ҳамза») сўз ўртасида тагликсиз ёзилиши мумкинми?

- а) мумкин эмас;
- б) чўзиқ унлилардан кейин келса;
- в) чўзиқ унлидан аввал келса;
- *г) чўзиқ «а» унлисидан кейин келса.

9. Сўз ўртасида чўзиқ «а» унлисидан кейин келган ҳамза ҳар доим тагликсиз ёзиладими?

- а) ҳа;
- б) ҳеч қачон;
- в) «ё» («ҳамза»)нинг ўзи «сукун»ли бўлса;
- *г) «ё» («ҳамза») «фатҳа» билан ҳаракатланган бўлса.

10. «Хамза» қайси ҳолатларда тагликсиз ёзилиши мумкин?

- а) сўз бошида, ўртасида, охирида;
- б) сўз бошида, охирида;
- *в) сўз ўртасида, охирида;
- г) сўз бошида, ўртасида.

11. «ё» («ҳамза»)нинг таглиги қачон ۋ (йа) ҳарфи бўлади?

- а) агар «ҳамза»дан аввалги ҳарф чўзиқ унли бўлса;
- б) «ҳамза» ва ундан аввалги ҳарф касра билан ҳаракатланган бўлса;

*в) «ҳамза» касрали бўлса, ёхуд ундан олдинги ҳарф «ё» (йа) ёки касрали бўлса;

г) сўз охирида чўзиқ «и» унлисидан кейин.

12. «Ҳамза» сўз охирида қачон тагликсиз ёзилади?

а) ҳеч қачон;

б) ҳар доим;

в) фақат чўзиқ унлидан кейин;

*г) суқун ё чўзиқ унлидан кейин.

13. Васлали ҳамза қачон ўқилади?

а) ҳеч қачон;

б) ҳар доим;

*в) вақф (пауза)дан кейин;

г) аввалги сўзга қўшиб ўқилганда.

14. «Қатъий ҳамза» қачон ўқилади?

а) ҳеч қачон;

в) фақат гап бошида;

*б) ҳар доим;

г) фақат вақф (пауза)дан кейин.

15. «Васлали ҳамза» сўзнинг қаерида бўлиши мумкин?

а) бошида, ўртасида, охирида;

* в) бошида;

б) бошида, ўртасида;

г) охирида.

16. «Қатъий ҳамза» сўзнинг қаерида бўлиши мумкин?

а) бошида;

б) бошида ва ўртасида;

в) ўртасида ва охирида;

*г) бошида, ўртасида, охирида.

17. Ўзак таркибида қанақа ҳамза бўлиши мумкин?

а) «васлали» ва «қатъий»;

* в) фақат «қатъий»;

б) фақат «васлали»;

г) ҳеч қанақа.

18. Қачон «ҳамза»ни ёзмаса хато бўлади?

а) ҳеч қачон;

в) сўз бошида;

б) ҳар доим; * г) «қатъий» ҳамзани.

19. « ~ » («мадда») белгиси қачон ёзилмаслиги мумкин?

*а) ҳеч қачон; в) фақат сўз ўртасида;

б) ҳар қандай ҳолатда; г) фақат сўз бошида.

20. « ال » артиклининг ҳамзаси қачон ўқилмаслиги мумкин?

а) ҳар доим;

б) ҳеч қачон;

*в) очиқ бўғинга тутаган сўзга уланиб кетса;

г) гап бошида.

21. Урғу араб тилида қачон охири бўғинга тушади?

а) ҳар доим;

*б) ҳеч қачон;

в) уч ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда;

г) тўрт ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда.

22. «саирун» сўзи қайси бандда тўғри ёзилган? («а»-чўзиқ «а» унлисини билдиради.)

*а) ثَائِرٌ в) ثَيْرٌ

б) ثَائِرٌ г) ثَيْرٌ

23. «'ухруж» сўзининг тўғри ёзилганини топинг. («'» белгиси ҳамза (ء)ни билдиради.)

а) أُخْرِجَ в) عَخْرَجَ

*б) أُخْرِجَ г) وَخْرَجَ

24. «фа'рун» (сичқон) сўзи қандай ёзилади? («'» белгиси ҳамза (ء)ни билдиради.)

*а) فَأَرْ в) فَأَعَرْ

б) فَئَرْ г) فَوَرْ

25. «муса'алатун» сўзи қандай ёзилади? («а»-чўзиқ «а» унлисини, «'» белгиси ҳамза (ء)ни билдиради.)

а) مُسْأَلَةٌ *в) مُسَاعَلَةٌ

ب) مُسَالَّةُ г) مُسَالَّةُ

26. «ради’ун» сўзи қандай ёзилади? («и»-чўзиқ «и» унлисини, «’» белгиси ҳамза (ء)ни билдиради.)

а) رَدِي *в) رَدِيْء

б) رَدِيُو г) رَادِيْ

27. « فِي الْغُرْفَةِ » (хонада) бирикмасини қандай ўқиса тўғри бўлади? («и»-чўзиқ «и» унлисини билдиради.)

а) фи ал-ғурфа; *в) фил ғурфа;

б) фил-ғурфа; г) фи ил-ғурфа.

28. « مع الطالب » (толиб билан) бирикмасини қандай ўқилса тўғри бўлади? («’» белгиси «’айн» (ع)ни, «’» белгиси ҳамза (ء)ни, «а»-чўзиқ «а» унлисини билдиради.)

*а) ма‘а ’ат-талиб; в) мат-талиб;

б) ма‘ат-талиб; г) ма‘ал-талиб.

29. « عن الأستاذ » (устоз ҳақида) бирикмасининг тўғри ўқилиши («’» белгиси «’айн» (ع)ни, «’» белгиси ҳамза (ء)ни, «а»-чўзиқ «а» унлисини билдиради):

а) ‘ан ал-’устаз; в) ‘анал-’устаз;

*б) ‘анил-’устаз; г) ‘ан ул-’устаз.

30. « رمى الكتاب » (китобни ташлади) жумласининг тўғри ўқилиши («а»-чўзиқ «а» унлисини билдиради):

а) рама ал-китаб; *в) рамал-китаб;

б) рама ул-китаб; г) рама-л-китаб.

Дарс давомида қўлланилган қўшимча материаллар (кўргазмали
куроллар, тарқатма материаллар, мультимедиа ресурслари):
العائلة و الأقرباء



عائلتنا كبيرة. هي مؤلفة من عدة
أشخاص و لكل منهم شغل. لنا منزل
كبير و نير، يقع في قلب المدينة. لي
أب و أم.



أبي يعمل في معمل النسيج. هو من خبراء المعمل. أمي معلمة اللغة الروسية في المدرسة الثانوية.
أنا طالب كلية الآداب في الجامعة. لي أخ و أخت أيضا. أختي طالبة معهد المعلمين و المعلمات.



لنا خال و خالة أيضا. هما في قرية قريبة من مدينتنا. لخالتنا ابن تزوج في العام الماضي. كنتها عاقلة و جميلة. و لخالنا ابنة تزوجت منذ سنتين. ختنه مؤرخ مشهور. و لهما طفل جميل.



أما عمتنا فهي تسكن في بلدة سمرقند. لها زوج و ابن واحد. زوجها مدير معهد الطب. هي نفسها طبيبة في المستشفى. و أما إبنهما فهو تلميذ في مدرسة من المدارس.



و أما أخي فهو تلميذ الصف الاول من المدرسة الابتدائية. لنا جد و جدة. جدنا شيخ أبيض الشعر، بطئ الحركات. هو يجلس طول النهار في الحديقة، ظل الاشجار و معه كتب و مجلات. صحة جدنا جيدة.



و أما جدتنا فهي مريضة. يعمل عمنا في سكة الحديد. له زوجة و ابنة. زوجته ربة البيت. هي مشغولة بأعمال

المنزل. إبنتهما تلميذة المدرسة الثانوية.



مَنْ أَنَا ؟

أَنَا كَمَال . مَنْ أَنْتَ ؟
أَنَا سَمِير .



أَنَا كَمَال . مَنْ أَنْتِ ؟
أَنَا لَيْلى .



أَنَا كَمَال . مَنْ هُوَ ؟
هُوَ حَسَن .



أَنَا كَمَال . مَنْ هِىَ ؟
هِىَ سَمِيرَة .

مَاذَا يَفْعَلُ؟



حِصَانٌ يَجْرِي



طِفْلٌ يَضْحَكُ



حَسَنٌ يَشْرَبُ



سَمِيرٌ يَجْلِسُ



سَمِيرٌ يَرْكَبُ



جَمَلٌ يَأْكُلُ



كَمَالٌ يَخْرُجُ



رَجُلٌ يَدْخُلُ

Кутилган натижалар:

Мазкур мавзуни ўтишда билим олиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол методлардан имкон қадар фойдаланилди.

Натижада:

1. Дарс мавзуси талабаларга тушунарли ҳолатда етказилди.
2. Талабаларни мавзуга қизиқиши орттирилди.
3. Мавзуни максимал даражада ўзлаштиришга эришилди.
4. Талабаларнинг анъанавий дарс услубидан кўра бир дарсда бир неча баробар кўпроқ маълумот олишига эришилди.
5. Бу эса дарс беришнинг илғор педагогик усулларида фойдаланиш самарасидир.

Дарс сифатини янада яхшилаш бўйичатаклиф ва тавсиялар:

“Шарқ (араб) тили” модулини ўқитишда интерфаол (Блиц сўров ва Б/Б/Б жадвали ҳамда ФСМУ усули асосида ишлаш) методларидан фойдаланишдан ўз ўрнида фойдалана олишни самарали усуллардан бири сифатида баҳолаш ва ўтилажак мавзуларга доир таълимий топшириқларни илғор педагогик методларни қўллаш асосида талабаларнинг имкониятларига мослаб тузиш, шунингдек, талаба-ёшларда ҳам мазкур усуллар асосида тузилган таълимий топшириқларни мустақил бажара олиш имкониятини яратиш зарур. Бунинг натижасида эса уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга эришилади.

ХУЛОСА

“Араб тилида “ҳамза” ундоши” мавзусини ўқитишда интерфаол (Блиц сўров ва Б/Б/Б жадвали ҳамда ФСМУ усули асосида ишлаш) методларидан фойдаланиш бўйича олиб борган изланишларимиз асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бугунги кун олий таълим муассасалари педагоглари зиммасига интеллектуал салоҳиятини мунтазам ошириш, ўқитишда самара бера оладиган инновацион таълим технологияларини ҳам мантиқан ҳам татбиқан ўрганиб бориш, ўқитишнинг янги, давр талабларига жавоб бера оладиган инновацион шакл, метод ва воситалари билан ўз вақтида танишиш, касбий компетентлик даражаси ва креативлик қобилиятини ошира бориш каби, аниқроғи, даврнинг ҳақиқий ўқитувчиси бўлиш талабини қўймоқда.

Давр талабларига жавоб бера оладиган ўқитувчи дарс бераётган талабалар эса фаол фикрий фаолият, танқидий тафаккур, янгиликларни излаш, яратиш, билимларни мустақил равишда ўзлаштириш истаги ва қобилиятига эга, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзида мустақиллик ва жавобгарлик хислатларини мужассамлантира олган, дунё тамаддунида тенгдошлари билан тенглаша оладиган, тўғрироғи, маънан, жисмонан, ақлан камолот сари интилаётган шахс бўлмоғи лозим.

Бу борада таълим тизимида инновацион технологияларнинг имкониятлари ва қулайликлари кенг, айниқса, модул асосида ўқитишдан фойдаланиш самарали эканлигини тажрибалар кўрсатмоқда.

2. Инновацион таълим технологиялари талаба шахсининг ички имкониятларини намоён қилиш, ривожлантириш учун қулай шароит яратиб, уларнинг дарс жараёнида ўқув фаолиятининг субъекти сифатида ўзликларини такомиллаштириш ва намоён эта олишларида муҳим аҳамият касб этади. Инновацион таълим технологияларини она тили таълимида тўғри ва ўринли жорий эта олиш дарс самарадорлигини оширади, талабаларнинг иштеллектуал қобилиятларини юзага чиқаришда муҳим омил сифатида хизмат

қилади. Табиийки, бу ўқитувчидан самарали усуллари қўллай билиш маҳоратига эга бўлмоқликни талаб этади.

3. Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши ўқув режасида кўрсатилган **“Шарқ (араб) тили”** фани таълимида инновацион таълим технологияларининг метод ва усуллари, таҳлилий воситаларидан фойдаланиб машғулотларни ташкил этиш талаба-ёшларнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Айниқса, “Араб тилида “ҳамза” ундоши” модулини ўқитишда Блиц сўров ва Б/Б/Б жадвали ҳамда ФСМУ усули асосида ишлашдан ўринли фойдаланиш қулай технологиялардан бири ҳисобланади.

Блиц сўров ва Б/Б/Б жадвали ҳамда ФСМУ усули асосида ишлашдан ўринли фойдаланишнинг қулайлиги шундаки, у аудиториядаги барча талабалар билан индивидуал, гуруҳ ёки жамоа тарзида аниқ белгиланган вақт оралиғида ишлаш, таҳлил ва назорат қилиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият—енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.—Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

II. Илмий-назарий адабиётлар:

3. Абдужабборов А. Араб тили.Т.,2009.
4. Белкин В.М. Арабская лексикология. М., 1975.
5. Белкин В.М. Формирование словарного состава в современном арабском литературном языке. В сб.: «Семитские языки», М., «Наука»,1965.
6. Белова А.Г. Введение в арабскую филологию. ИВ РАН, М., 2003.
7. Габучан Г.М., Ковалев А.А. О проблеме слова в свете фактов арабского литературного языка. В сб.: «Арабская филология». Изд. МГУ, 1968.
8. Гранде Б.М. Арабская грамматика в сравнительно- историческом освещении. М., 2001.
9. ИброҳимовН., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Т. 1997.
- 10.Иновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
11. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
12. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. М., 1998.
13. Минеджян Г.З. О некоторых вопросах научно-технической терминологии в современном арабском языке. Семитские языки. Вып.2 (ч.2). Изд.2 (доп.), М., «Наука», 1965.
14. Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка. М., «Наука», 1970.
15. Рыбалкин В.С. Арабская лексикографическая традиция. Киев, 1992.

16. Рыбалкин В.С. Арабская лингвистическая традиция. Истоки, творцы, концепции. Киев, 2000.
17. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳоликова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
18. Талабов Э. Араб тили дарслиги. Т., 1994й
19. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.
20. Халидов. Б.З. Учебник арабского языка. М., 1985.
21. Шагаль В.Э. Арабский мир: пути познания. М., 2001.
22. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. Л., 1985.
23. Шарқшуносликнинг долзарб масалалари. ТошДШИ. 2008.
24. القاهرة ١٩٥٦ "الخصائص" ابن جني أبو الفتح
25. القاهرة "المزهر فى علوم اللغة و انواعها" عبد الرحمان السيوتى
26. 19902 المُنْجَمُ الوَجِيزُ مِصْرُ
27. 1981 رَأْدُ الِ طَلَابِ جِبران مسعود بيروت
28. الكتاب الأساسى (Ал - китаб ал-асасий), Қоҳира, 2005.
29. Ҳифни Насиф الدروس النحوية (Ад- дурус ан-наҳвийя), Искандария, 2007.

Интернет сайтлари :

1. Арабский язык,
www.krugosvet.ru/enc/gumanitarnie_nauki/lingvistika/ARABSKIY_YAZIK
2. Арабский язык и его характеристика,
files.school-collection.edu.ru
3. Модернизация образования
<http://www.gov.karelia.ru/Leader/Gossovet/d14.html>
4. www.ziyonet.uz
5. www.bilim.uz
6. www.almeshkat.com
7. www.drmosad.com
8. www.el-eman.com

МУНДАРИЖА

Кириш	
I БОБ. “Араб тилида “ҳамза” ундоши” модулининг назарий масалалари	
§ 1.1. “Шарқ (араб) тили” модулининг ўрганилиши.....	
§1.2.Модулни ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар.....	
II БОБ. “Араб тилида “ҳамза” ундоши” мавзусини ўқитишда интерфаол (Блиц сўров ва Б/Б/Б жадвали ҳамда ФСМУ усули асосида ишлаш) методларидан фойдаланиш	
§ 2.1. “Шарқ (араб) тили” ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи.....	
§ 2.2. Араб тилида “ҳамза” ундоши” мавзусининг технологик харитаси.....	
§ 2.3. “Араб тилида “ҳамза” ундоши” мавзусини ўқитишда қўлланилган илғор педагогик технологиялар.....	
Умумий хулосалар	68
Адабиётлар рўйхати	70